

## ЎЗБЕКИСТОН- 2030 СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА АЁЛ ТАДБИРКОРЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Саидова Субхинигор Азизовна*  
*ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар”*  
*кафедраси 2-курс таянч докторанти*

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда республикаимиз аҳолисининг ўн етти миллиондан кўпроқ қисми хотин-қизлардан иборат.

Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 400 мингдан кўпи иш билан таъминланди<sup>43</sup>.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг ҳар ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтириш амалиёти белгилаб берилган<sup>44</sup>

Ҳозирги вақтда юртимизда меҳнат қилаётган аёлларнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда<sup>45</sup>.

Кейинги йилларда, ҳукуматимиз томонидан хотин қизларни қўллаб қувватлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий меёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Энг аввало, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Қонуни<sup>46</sup> хусусида тўхталиб ўтамиз. Мазкур Қонун хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган. Қонуннинг 6-моддасида давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликини кафолатлаши белгиланган. Шу билан бирга қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг


<sup>43</sup> <https://www.biznesombudsman.uz/uz/news/1295>

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Фармони.23.02.2024 й

<sup>45</sup> Ш.М.Мирзиёев Мамлакатимиз хотин-қизлари учун муносиб шароит яратиб бериш – доимо эътиборимиз марказида.07.03.2024 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6013>

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Қонуни. ЎРҚ-562-сон 02.09.2019 й.

хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари белгиланган (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари<sup>47</sup>**

1-расм маълумотларида Қонун билан илк бор миллий қонунчилигимизда "гендер" тушунчасига таъриф берилиб, давлат хизмати, сайлов жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун давлат томонидан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилганини кўришимиз мумкин.

Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан – 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан – 37 фоизга етган, 2 минг нафарга яқин аёллар давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлар ташкил қилади<sup>48</sup>.

"Аёллар тадбиркорлиги Глобал индекси" бутун дунёда аёллар тадбиркорлиги ривожини истиқболларини ўлчаб беради. (2-расм)



**2-расм. Аёллар тадбиркорлиги Глобал индексида аёллар тадбиркорлигини ўлчовчи асосий омиллар<sup>49</sup>**

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Қонуни. ЎРҚ-562-сон 02.09.2019 й.

<sup>48</sup> Ш.М.Мирзиёев Мамлакатимиз хотин-қизлари учун муносиб шароит яратиш бериш – доимо эътиборимиз марказида.07.03.2024 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6013>

<sup>49</sup> Расм муаллиф томонидан шакллантирилган

Аёллар тадбиркорлиги ривож сифатини 3 та асосий омил:

→ тадбиркорлик муҳити;

→ тадбиркорлик экотизими;

→ аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истаклари белгилаб беради<sup>50</sup>.

Ушбу ҳужжатни тайёрлашда бир қатор омиллар ҳисобга олинади. Аёлларнинг бизнес соҳасида яратилган таълим тизими ва ресурсларидан, давлат органлари ва тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар инфратизимидан фойдаланиш имкониятлари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва тақдим этиш масалалари каби омиллар шулар жумласидандир. Ўзбекистонинг “Аёллар тадбиркорлиги глобал Индекси”га аъзо давлатлар қаторига кириши шундай мезонлари ўзида акс этирадики, булар мамлакатда аёллар тадбиркорлиги ривож ва истиқболларини дунё ривожланган мамлакатлари стандартларида ўлчаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигининг Глобал индекси кўрсаткичлари асосида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашувчи тизимни шакллантириш босқичлари белгиланиб, умумий ҳолат халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва баҳолашда фойдаланиладиган 33 та кўрсаткич ёрдамида баҳоланади.

Индексга кўра, Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ислохотлар самарадорлиги қарийб 30 фоизни ташкил этади. Ўтган 2023 йилда Глобал индексда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон дунёнинг бошқа мамлакатлари орасида 62-ўринни эгаллаган.<sup>51</sup>

Ўзбекистонда “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси 1991 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунгача ҳудудларда унинг 68 та бўлимлари ташкил этилган. “Тадбиркор аёл” ассоциациясининг 68 та ҳудудий бўлимлари 17 минг нафарга яқин аъзоларни бирлаштириб, уларда 200 нафардан ортиқ мутахассислар жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда<sup>52</sup>.

Ташкилот бугунги кунгача хотин-қизларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини кенгайтириш ва ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, гендер тенглик, хотин-қизлар меҳнатининг рақобатбардошлигини ошириш каби қатор вазифалар доирасида фаолият юритиб келади, ташкилот томонидан бугунгача ана шу мақсадларга қаратилган 100 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. 43

<sup>50</sup> Дилбар Ахмедова. Аёллар тадбиркорлигини ошириш омиллари. Journal of advanced research and stability (jars) file:///C:/Users/ACER/Downloads/540.pdf

<sup>51</sup> Шаҳноза Маматуропова, ЎЗА мухбири. Глобал индексда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон 62-ўринни эгаллади. <http://nhrc.uz/uz/news/global-indeksda-ayollar-tadbirkorligini-rivojlantirish-boyicha-ozbekiston-62-orinni-egalladi>

<sup>52</sup> [https://uza.uz/ru/posts/ayollar-va-biznes-peshqadamlik-va-tadbirkorlik\\_353718?q=%2Fposts%2Fayollar-va-biznes-peshqadamlik-va-tadbirkorlik\\_353718](https://uza.uz/ru/posts/ayollar-va-biznes-peshqadamlik-va-tadbirkorlik_353718?q=%2Fposts%2Fayollar-va-biznes-peshqadamlik-va-tadbirkorlik_353718)

минг нафар аёллар бизнес асосларига ўқитилган. 30 минг атрофида янги иш ўринлари яратилган<sup>53</sup>.

### 1-жадвал

#### **Кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар (асосий йўналишлар бўйича)<sup>54</sup> млрд. сўм**

<b>Асосий йўналишлар</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2022 йил</b>	<b>2023 йил</b>
<b>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами</b>	<b>48 389,7</b>	<b>48 839,1</b>	<b>69 770,3</b>	<b>73 009,4</b>
Ажратилган микрокредитлар	10 194,3	13 395,1	15 404,7	17 270,5
Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида <b>шундан:</b> Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун	6 078,5 3 602,1	7 692,2 6 170,7	9 893,3 9 094,4	9 198,2 9 864,3
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	5 959,8	16 309,5	11 513,3	10 134,1
Тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлашга	4 895,9	6 397,7	9 402,5	13 313,6
Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари)	2 139,0	1 407,0	1 531,3	1 150,7

Жадвал маълумотларидан 2023 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар жами 73 009,4 млрд сўмни ташкил қилиб, 2020 йилдаги 48 389,7 млрд сўмга нисбатан 35,3 % га ортган ажратилган. Барча бошқа соҳаларда шу жihatдан, тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлашга ажратилган кредитлар 2020 йилда 4 895,9 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса 2023 йилга келиб бу кўрсаткич, қарийб уч баробарга ортиб 13 313,6 млрд. сўмга етган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар миқдори, ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўсиб бориш тенденцияси кузатилган.

Жадвал маълумотлари тахлилидан ҳукуматимиз томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар, хусусан тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бу борадаги ислохатларнинг самарали тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

<sup>53</sup> Тадбиркор аёлларни қўллаётган ташкилот энди халқаро мақомда. 07.03.2024 й <https://yuz.uz/news/tadbirkor-ayollarni-qollayotgan-tashkilot-endi-xalqaro-maqomida>

<sup>54</sup> <https://cbu.uz/upload/medialibrary/969/ky41zlbzj2s3n3if02l2kqbnsf7y4y0o/Markaziy-bank-Statistik-byulleteni-2023-yil-Noyabr.pdf> 85-бет